



## O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2022 yil «22» avgust

№471

Toshkent sh.

### Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини аниқлашда давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базасидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-599-сон Конунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Конуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларига оид давлат органлари ва ташкилотлари маълумотлар базасидан реал вақт режимида фойдаланишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2022 йил 1 ноябрдан бошлаб** Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини аниқлаш ҳамда солиқ хавфини таҳлил қилиш айрим давлат органлари ва ташкилотларининг мавжуд ахборот тизимлари ҳамда маълумотлар базаларидан авторизация хуқуки асосида фойдаланган ҳолда, реал вақт режимида амалга оширилади.

2. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини аниқлаш ҳамда солиқ хавфини таҳлил қилиш учун мавжуд ахборот тизимлари ва маълумотлар базасидан авторизация хуқуки асосида реал вақт режимида фойдаланиш ҳамда маълумотлар базаси интеграция қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхати **1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига электрон сўров асосида маълумот тақдим этадиган ва кейинчалик маълумотлар базасидан авторизация хуқуки асосида фойдаланиладиган ҳамда маълумотлар базаси интеграция қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхати **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат солиқ құмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда **бір ой муддатда** интеграциялашган маълумотлар базасини реал вакт режимида таққослаш ва солиқ солищ базасини кенгайтириш имконини берадган Давлат солиқ құмитасининг “Ташқи манба-2” дастурий комплексини яратиши ва босқичма-босқич жорий этиш бүйича чоратадбирлар режасини ишлаб чиқсан ҳамда тасдиқласин.

4. Белгилансинки, ушбу дастурий комплексни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва кузатиб бориш билан боғлиқ харажатлар Давлат солиқ құмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва күзда тутилмаган харажатлар маҳсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Давлат солиқ құмитаси **2022 йил 1 ноябрьгача** ушбу қарорга 1 ва 2-иловаларда күрсатылған давлат органлари ҳамда ташкилотлари (кейинги үринларда – давлат органлари ва ташкилотлари) билан үзаро ахборот алмашиш тұғрисида битимлар тузиш, мавжуд тасдиқланған битимлар доирасидаги технологик йүриқномаларни қайта күриб чиқиш, тегишли веб-сервисларга үзгартыриш ва құшымчалар киритиш, шунингдек, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси заруратга күра янада такомиллаштирилишини таъминласин.

6. Давлат органлари ва ташкилотлари қонунчилік хужжатларининг ахборот хавфсизлигига риоя этишга доир талабларини ҳисобға олған ҳолда, үз ахборот тизимлари ҳамда маълумотлар базасидан Давлат солиқ құмитасига авторизация ҳуқуқи асосида солиқ тұловчиларнинг солиқ мажбуриятларини аниклаш ҳамда солиқ хавфини таҳлил қилиш учун реал вакт режимида фойдаланиш имкониятини яратсин.

7. Шундай тартиб үрнатылсınки, унға мувофиқ **2022 йил 1 октябрдан бошлаб** давлат харидлари бүйича үтказыладынгы электрон савдо ва тендерларда тенг рақобат мұхитини яратиши ва солиқ тұлашдан бүйин товлаш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида:

Давлат солиқ құмитаси солиқ хавфи юкори деб баҳоланған солиқ тұловчилар рүйхатини үз расмий веб-сайтида жойлаштиради;

Давлат солиқ құмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштырылған солиқ тұловчилар давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган томонидан “Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри”га киритилади.

8. Давлат солиқ құмитаси:

**Иккі ой муддатда** реал вакт режимида солиқ тұловчиларнинг солиқ мажбуриятларини аниклаш ҳамда солиқ хавфини таҳлил қилиш учун давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базаларидан олиниши керак бўлған маълумотларни аниклаш, олиш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини давлат органлари ва ташкилотлари билан келишганд ҳолда ишлаб чиқсан ҳамда тасдиқласин. Бунда зарур бўлған маълумотларни олиш ва улардан фойдаланиш давлат сирларини сақлаш, банк сири, шахсга доир маълумотлар тұғрисидаги қонунчилік ҳамда бошқа қонунчилік хужжатлари талабларига риоя қилған ҳолда амалга оширилиши таъминланасин;

**уч ой муддатда** Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргалиқда маҳсулотларнинг (товар ва хизматларнинг) идентификация коди (МХИК) юзасидан сертификатлаш бўйича аккредитация қилинган органлар билан реал вақт режимида ўзаро маълумот алманишни жорий этсин;

мазкур қарорга 1 ва 2-иловаларда кўрсатилмаган давлат органлари ҳамда ташкилотлари билан заруратга кўра мавжуд ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларидан авторизация хуқуқи асосида реал вақт режимида фойдаланиш ҳамда уларнинг маълумотлар базаларини интеграция қилиш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 3-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 4-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров ва Давлат солик қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “22” августдаги 471-сон қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси томонидан  
солик тўловчиларнинг солик мажбуриятларини аниқлаш ҳамда солик  
хавфини таҳлил қилиш учун мавжуд ахборот тизимлари  
ва маълумотлар базасидан авторизация хукуқи асосида реал вақт  
режимида фойдаланиш (фойдаланиладиган) ҳамда маълумотлар базаси  
интеграция қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари**  
**РЎЙХАТИ\***

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги
3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
5. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
8. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги
9. Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги
10. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
12. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
13. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
14. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси
15. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги
16. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги

**Изоҳ.** Маълумотлар базасидан реал вақт режимида фойдаланишига дастурий комплекс функцияларига ва маълумотлар базаси таркибига аралашиб ҳуқуқисиз рухсат берилади.

\*) Мазкур рўйхатда келтирилган вазирлик ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасига тақдим этиладиган маълумотлар рўйхати ва тури ҳар бир вазирлик ва идоралар билан алоҳида келишилган ҳолда аниқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “22” августдаги 471-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасига электрон сўров  
асосида маълумот тақдим этадиган ва кейинчалик маълумотлар  
базасидан авторизация ҳуқуқи асосида фойдаланиладиган  
хамда маълумотлар базаси интеграция қилинадиган  
давлат органлари ва ташкилотлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
2. Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги
3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги
4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги
5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги
6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
7. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
9. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
10. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари қўмитаси
11. “Ўздавнефтгазинспекция” давлат инспекцияси
12. Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси
13. “Ўзбекнефтгаз” АЖ
14. “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси
15. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
16. “Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси” АЖ
17. “Ўзбекистон Республика валюта биржаси” АЖ
18. “Тошкент Республика фонд биржаси” АЖ
19. “Uzbekistan Airways” АЖ

**Изоҳ.** Мазкур рўйхатда келтирилган вазирлик ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасига электрон сўров асосида тақдим этиладиган маълумотлар рўйхати ва тури индивидуал тарзда ҳар бир вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда аниqlанади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил ‘22’ августдаги 471-сон қарорига  
3-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Солиқ органлари ходимларининг мажбурий давлат суғуртаси бўйича суғурта суммалари ва суғурта тарифлари миқдорлари тўғрисида” 1994 йил 30 декабрдаги 631-сон қарорининг 5 ва 6-бандлари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси (ваколатли суғурталовчи) мазкур қарорда белгиланган тартибда мажбурий давлат суғуртаси ўтказишни қонунчиликда белгиланган тартибда очик танлов асосида кейинги ваколатли суғурталовчини жалб қилгунга қадар давом эттирасин.

6. “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси солиқ органлари ходимларининг мажбурий давлат суғуртасига тегишли хужжатларнинг нусхалари ва суғурта захиралари маблағлари ваколатли суғурталовчи этиб белгиланган суғурта компаниясига берилишини таъминласин.

Ваколатли суғурталовчи хужжатларни ва суғурта захиралари воситаларини қабул қилсин ҳамда ҳар бир кейинги йил бошлангунга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан зарур суғурта шартномалари тузилишини таъминласин”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 августдаги 180-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан чет эллик инвестор ўртасида инвестиция шартномаларини тузиш, ўзгартириш киритиш, тугатиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “бошқа мажбурий тўловлар” сўzlари “йигимлар” сўзи билан алмаштирилсин;

б) низомга 2-илованинг 6.3-банди олтинчи хатбошисидаги “бошқа мажбурий тўловлар” сўzlари “йигимлар” сўзи билан алмаштирилсин”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқарувчи томонидан маълум қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-иловаси қўйидаги мазмундаги устун билан тўлдирилсин:

“Маҳсулотлар (товар ва хизматларнинг) Ягона электрон миллий каталогдаги идентификация коди (МХИК)”.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги 185-сон қарори билан тасдиқланган Электрон тижоратни амалга ошириш қоидаларининг:

а) 48-банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“48. Электрон тижоратда тўловлар қуидаги усулларда амалга оширилади:

нақд пул билан – назорат-касса машинасидан, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланиш орқали нақд пул маблағлари қабул қилингани тўғрисида назорат-касса машинаси ёки виртуал касса чеки ёхуд бошқа тасдиқловчи хужжатни мажбуран тақдим этиш, шунингдек, белгиланган тартибда инкасация қоидаларига риоя этган ҳолда, олинган пулларни хизмат кўрсатувчи банкка топширишни таъминлаш;

электрон тўлов воситалари билан – тўловларни қабул қилиш учун ҳисоб терминали ёки виртуал терминал (E-POS) орқали шахсий ва корпоратив банк карталаридан фойдаланиш орқали чакана тўлов тизимида сотувчи тўлов ташкилоти орқали харидорга фискал белгили электрон тўлов чеки (бундан кейин электрон чек) албатта тақдим этган ҳолда;

пул маблағларини банк ҳисоб рақамларидан ўтказиш йўли билан – пул маблағларини банк ҳисоб рақамларидан (шу жумладан карта ҳисоб рақамларидан) шахсий кабинет (масофавий банк ҳисоб рақамларидан хизмат кўрсатиши тизими) ёки чакана тўлов тизими орқали ўтказган ҳолда”

б) 48<sup>1</sup>-банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“48<sup>1</sup>. Электрон тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошираётганда харидорга электрон чекини харидор кўрсатган абонент рақамига ёки электрон почта манзилига тақдим этишини таъминлаш зарур. Электрон чек назорат касса техникасидан чиқарилган қоғоз кўринишидаги чекка тенглаштирилади”;

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ солиши мақсадида жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳукуқида тегишли бўлган нотурар кўчмас мулк обьектларининг кадастр қийматини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 20 июлдаги 561-сон қарори муқаддимасидаги “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 274-моддасига” сўzlари “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига” сўzlари билан алмаштирилсин.

**6.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 402-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси тўғрисида низомнинг 16-банди йигирманчи хатбошиси ва 23-банди ўн олтинчи хатбошидаги “бошқа мажбурий тўловлар” сўzlари “йигимлар” сўзи билан алмаштирилсин.

**7.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 14 майдаги 283-сон қарорида:

а) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар (белгиланган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида рўйхатга олинганлар бундан мустасно) ташқи савдо контрактлари, далолатномалар ва инвойслар бўйича маълумотларни электрон шаклда электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида (кейинги ўринларда – ТСОЯЭАТ) киритади”;

б) 3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ТСОЯЭАТга ушбу қарор талабларидан келиб чиқсан ҳолда тегишли ўзгартиришлар киритсин”;

в) 1-иловада:

2-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ташқи савдо контрактлари – Низомнинг ушбу бандида келтирилган экспорт контракти, импорт контракти, бартер контракти, марказлаштирилган экспорт контракти, марказлаштирилган импорт контракти, импорт биржа (ярмарка) контракти, экспорт биржа (ярмарка) контракти, экспорт консигнация контракти, республика ҳудудида экспорт контракти, қайта ишлаш (республика ҳудудида) бўйича контракт, қайта ишлаш (республикадан ташқарида) бўйича контракт, лизинг асосидаги экспорт шартномалари, лизинг асосидаги импорт шартномалари, олиб кириш контракти, олиб чиқиш контракти, сотиб олиш контракти, сотиш контрактлари”;

7-банднинг бешинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“хўжалик юритувчи субъектнинг идентификация рақами (СТИР) ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)”;

23-банда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

24-банда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

25-банд қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Енгиб бўлмас куч таъсири юзага келганда активларни репатриация қилиш муддати енгиб бўлмас кучнинг таъсир муддатига узайтирилади. Енгиб бўлмас куч таъсири ҳолатлари юз берганлиги ушбу ҳодиса ўзида содир бўлган давлатнинг қонунчилигига мувофиқ ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

Экспортга оид контрактнинг сұғурта полиси бўйича сұғурта товони суммаси резидентларнинг ҳисобварагига келиб тушганда (миллий ва (ёки) хорижий валюталарда) жарима қўллаш мақсадида мазкур экспортга оид контракт бўйича дебитор қарздорлик суммаси келиб тушган сұғурта товони суммасига камайтирилади.

27-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“27. Ташқи савдо контрактлари бўйича активлар репатриация қилинишини (чет элдан хорижий валютадаги маблағлар келиб тушишини ёки ушбу Низомда кўрсатилган божхона режимларида товарлар республикага олиб кирилиши ва расмийлаштирилишини, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилишини ёки пул маблағларининг қайтарилишини) мазкур Низомнинг 23, 24 ва 24<sup>1</sup>-бандларида белгиланган муддатлар тугагандан кейин кўпи билан 45 кун (кичик тадбиркорлик субъектлари учун – 90 кун) мобайнида таъминламаган хўжалик юритувчи субъектлар:

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 360 кунгача кечикканда – репатриация қилинмаган активлар суммасининг 5 фоизига тенг миқдорда;

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 360 кундан 545 кунгача кечикканда – репатриация қилинмаган активлар суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда қўшимча равища;

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 545 кундан ортиқ кечикканда – репатриация қилинмаган активлар суммасининг 35 фоизига тенг миқдорда республика бюджети даромадига қўшимча жарима тўлайдилар.

Куйидаги ҳолларда хўжалик юритувчи субъектларга ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун жарима қўлланилмайди:

жарима қўллаш тўғрисидаги иш бўйича суд томонидан ҳал қилув қарори чиқарилгунига қадар “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни талабларига мувофиқ репатриация қилинган активлар суммасига нисбатан;

асбоб-ускуналарни ва (ёки) бутловчи қисмларни етказиб бериш муддатлари уларнинг техник тавсифларига ҳамда ўзига хос хусусиятига қараб бир юз саксон кундан ортиқ этиб белгиланган импортга оид контрактлар бўйича етказиб бериш муддати даврида;

транспортда ташиш ёки сақлаш чоғида тарафларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра яроқсиз ҳолатга келган товарлар давлат органлари томонидан йўқ қилинганлигини ёхуд мусодара қилинганлигини тасдиқловчи ваколатли орган томонидан берилган хужжат тақдим этилган тақдирда;

айни бир қарздорлик предмети ва товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) амалдаги экспорт ва импорт ҳажми бўйича такрорий жарималар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида тузилган импортга оид контрактларда ёки маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимларни амалга ошириш доирасида бошқарувчи қўмита томонидан тасдиқланган импортга оид контрактларда белгиланган муддатлар бузилмаган бўлса;

экспорт операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг умумий суммаси муддати ўтган дебитор қарздорлик юзага келган санадан олдинги 36 ой давомида таъминланган валюта тушумининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳолатларда.

Юридик шахс – Ўзбекистон Республикаси резидентининг охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлган жарима санкцияларини ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида тўловларни ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш имконини берган ҳолда амалга оширилади”;

28-банда:

ўн тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Хўжалик юритувчи субъект томонидан талабномада белгиланган 10 кунлик муддатда жарима суммаси ихтиёрий равишда тўланган кундан 90 кун ичida ташқи савдо контрактлари бўйича активлар репатриация қилиниши тўлиқ ёки қисман таъминланган тақдирда, тўланган жарима суммаси репатриация қилинган активлар миқдорига мутаносиб равишда қайтариб берилади. Бунда, талабномада кўрсатилган валюта курси бўйича сўмда ҳисоб-китоб қилинади”;

Йигирма бешинчи ва йигирма олтинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги суд хужжати қонуний кучга киргандан сўнг 90 календарь кун ичida аризада кўрсатилган ташқи савдо контрактлари бўйича тўлиқ миқдорда активлар репатриация қилиниши таъминланган тақдирда – иш юритиш тугатилади ва мажбурий ундириш бўйича кўрилган барча чоралар бекор қилинади.

Бунда ундирилган маблағлар хўжалик юритувчи субъектнинг аризаси асосида банк ҳисобварағига қайтариб берилади. Агар, ундирилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси депозит ҳисобварағида сакланыётган бўлса, Мажбурий ижро бюроси томонидан қайтариб берилади”;

Йигирма еттинчи – ўттизинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

ўттиз биринчи – ўттиз иккинчи хатбошилари тегишинча йигирма еттинчи – йигирма саккизинчи хатбошилари деб ҳисоблансин;

Низомга 1-илованинг 3-бандида:

иққинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23
А											Б											
24	25	26	27	28	29	30	31	32	";													
В			Г			Д																

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

““Б” қисми (импорт қилувчи/экспорт қилувчи – Ўзбекистон Республикаси резидентининг) юридик шахслар учун СТИРни, жисмоний шахслар учун ЖШШИРни ифода этадиган 14 та рақамдан иборат бўлади. Бунда, СТИР ифода этилган тақдирда, СТИРдан кейин 5 та “0” қўйилади”;

Низомга З-илованинг 1-3-бандларидағи “СТИР” сўзларидан кейин “ёки ЖШШИР” сўзлари билан тўлдирилсин.

**8.** Вазирлар Маҳкамасининг “Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарорининг 1а-иловаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарорига  
1а-илова

**Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда электрон тўлов ташкилоти ва (ёки) электрон тижорат платформалари (Маркетплейс) орқали электрон фискал чек тақдим қилиш тартиби тўғрисида**  
**НИЗОМ**

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом аҳоли билан Маркетплейс орқали амалга оширилган пулли ҳисоб китоблар учун харидорларга электрон фискал чек тақдим қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари қуйидагиларга татбиқ этилади:

Маркетплейс, шу жумладан тўлов ташкилотлар орқали аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширилганда харидорларга электрон фискал чек тақдим қилиш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан харидорларга жойларда харид қилинган маҳсулот ва хизматлар учун Маркетплейс, шу жумладан тўлов ташкилотлар орқали амалга оширилган тўловлар учун онлайн-НКМ ёки виртуал касса чекларини тақдим қилиш;

жойларда амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумотларни операторга юбориш.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

фискал маълумотлар — ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотлар, ҳисоб-китобларни амалга оширувчи тадбиркорлик субъекти тўғрисида маълумот, ҳисоб-китобда фойдаланиладиган Маркетплейс орқали яратилган бошқа маълумотлар;

виртуал фискал модул — оператор томонидан ишлаб чиқилган, фискал маълумотларнинг қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда миллий стандартлар асосида криптографик ҳимоясини таъминловчи ҳимояланган маҳсус дастурий таъминот;

Маркетплейс – оператор тизимида боғланиш имкониятига эга бўлган, операторга тақдим қилган чек маълумотлари асосида онлайн режимда фискал белгиларни қабул қилувчи, чекларни электрон шаклда харидорларга юбориш функциясига эга бўлган техника воситаларидан, ахборот технологияларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов хужжатлари воситасида нақд ёки нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизими;

Маркетплейс реестри – қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда Давлат реестрига киритилган Маркетплейслар рўйхати.

Маркетплейс фойдаланувчиси – товарлар (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) учун аҳоли билан пулли ҳисоб китобларни амалга оширишда фискал маълумотларни Маркетплейс сервери орқали операторга юборувчи тадбиркорлик субъекти.

4. Фискал чек маълумотларни операторга юборилиши Маркетплейснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаш орқали амалга оширилади.

5. Операторга юбориладиган маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончлилиги бўйича Маркетплейс жавобгар ҳисобланади.

## **2-боб. Операторга электрон фискал чек маълумотларини юбориш тартиби**

6. Маркетплейслар тартиб рақам билан электрон фискал чек маълумотларини операторга юборади.

7. Оператор томонидан чек маълумотларига фискал белги яратиб, QR-код билан Маркетплейсларга қайтарилади.

8. Маркетплейс орқали харид чеки электрон шаклда тақдим этилганда, оператордан олинган электрон фискал чекнинг ҳаволасини харидор кўрсатган абонент рақамига ёки электрон почта манзилига, ёхуд харидорнинг шахсий кабинетига юборишини таъминлайди.

9. Маркетплейс орқали реализация қилинган товар (хизмат) учун чек қоғоз шаклда тақдим этилган тақдирда, қоғоз чек ушбу қарорнинг 1-илова 7-банди талабларига мос равишда шаклланиши лозим.

### **3-боб. Маркетплейс вазифалари ва мажбуриятлари**

10. Маркетплейслар харидорларга электрон фискал чек тақдим қилиш учун операторнинг маҳсус ахборот тизими билан интеграция қилади.

11. Маркетплейслар:

фискал чек маълумотларни шакллантириш, юбориш, қабул қилиш ва сақлаш имкониятини берадиган ахборот тизимига;

call-марказига эга бўлиши лозим.

12. Маркетплейслар ўзининг маълумотлар базасида шакллантирилган фискал чек маълумотларни камидаги 5 йил давомида сақланишини ва фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотлари ҳимоя қилиниши уларнинг конфиденциаллигини таъминлаши шарт, қонунчилик хужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

### **4-боб. Маркетплейсларни Давлат реестрига киритиш**

13. Маркетплейсларни Давлат реестрига киритилиши учун ваколатли органга иловага мувофиқ белгиланган шаклда Маркетплейслар томонидан ариза билан мурожаат қилинади.

14. Ваколатли орган томонидан ариза берувчига Маркетплейсларга Давлат реестрига киритиш тўғрисидаги қарор нусхаси ёки уни рад этиш сабаби кўрсатилган жавоб хати хужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ўн беш иш кунида электрон ёки ёзма тарзда мурожаатчига тақдим этилади.

15. Давлат реестрига киритиш рад этилганда, ариза берувчи камчиликларни бартараф этиб, ваколатли органга такроран мурожаат қилиши мумкин.

### **5-боб. Маркетплейсларни Давлат реестридан чиқариш**

16. Маркетплейсларни қуидаги ҳолларда Давлат реестридан чиқарилади:

Маркетплейс тугатилганда, банкрот деб эътироф этилганда;

унинг фаолиятига нисбатан қонунчилик хужжатлари талаблари ўзгарганда;

ваколатли органга қилган мурожаатига мувофиқ.

17. Қонунчиликда белгаланган талаблар бажарилмаган тақдирда ваколатли орган томонидан Давлат реестрига киритилган Маркетплейсни ёзма огоҳлантирилган ҳолда оператор тармоғидан вақтинчалик ёки бутунлай узиши ва Давлат реестридан чиқариши мумкин.

18. Маркетплейсни Давлат реестридан чиқариш ваколатли органнинг қарори асосида амалга оширилади.

## 6-боб. Фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтказиши

19. Маркетплейс орқали аҳоли билан пулли ҳисоб китобларни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари қонунчиликда белгиланган тартибда Маркетплейс билан ўзаро шартнома тузади.

20. Маркетплейс ўзаро шартнома тақдим қилган тадбиркорлик субъекти маълумотларини операторнинг маҳсус ахборот тизимида қайд этади.

21. Юборилган аризанинг маълумотларни нотўғри ёки белгиланган тартибда тўлдирилмаган бўлса Давлат солиқ хизмати органлари ходими томонидан рад қилинади. Маркетплейс камчиликларни бартараф қилиб 2-бандга мувофиқ қайта ариза юбориши мумкин.

## 7-боб. Якуний қоидалар

22. Ваколатли орган ва оператор ушбу Низом талабларига риоя этилиши юзасидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширадилар.

23. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда электрон тўлов ташкилоти ва (ёки) электрон тижорат платформалари (Маркетплейс) орқали электрон фискал чек тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга  
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитасига

## АРИЗА

(Маркетплейсларни давлат реестрига киритиш тўғрисида)

СТИР: \_\_\_\_\_  
манзилида

(тадбиркорлик субъекти номи)

(юридик манзили)

жойлашган

га

(мультилик шакли)

Маркетплейс(лар)нинг

русумли

версиясини иловада келтирилган ҳужжатлар асосида Давлат реестрига киритишингизни сўрайман.

Куйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Маркетплейс дастурий маҳсулотининг техник ва функционал тавсифларига мувофиқлиги юзасидан фискал маълумотлар операторининг хulosаси;
2. Шакллантирилган электрон касса чеклари намуналари;
3. Маркетплейс тизимининг этalon электрон намунаси (APK и URL website);
4. Маркетплейснинг техник ва функционал тавсифлари батафсил кўрсатилган техник паспорт (ёки унга тенглаштирилган хужжат) ҳамда кафолат мажбуриятлари;
5. Фойдаланиш хужжатлари (фойдаланувчи учун қўлланма, ўрнатиш бўйича қўлланма ва солиқ инспектори йўриқномаси);
6. Маркетплейс дастурий маҳсулотининг муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи хужжат (патент). Бунда хужжат бошқа давлатдан олинган бўлса унинг манбаси кўрсатилади;

Илова: \_\_\_\_\_ варақда ёки электрон кўринишида (pdf, jpg, gif, jpeg форматда).

(Юридик шахс мансабдор шахсининг Ф.И.Ш.)

(имзо)

(сана)

Телефон рақами: \_\_\_\_\_

Почта манзили: \_\_\_\_\_

**9.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлдаги 433-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларига грантлар бериш, компенсация ва молиявий ёрдам кўрсатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳамкорлари – нодавлат нотижорат ташкилотларини институционал қўллаб-куватлаш тўғрисидаги низомнинг 3-бандидаги “бошқа мажбурий тўловлар” сўзлари “йигимлар” сўзи билан алмаштирилсин.

**10.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарори билан тасдиқланган Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 15-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Ҳисобварақ-фактура ушбу Низомга 1-иловада келтирилган шаклга мувофиқ қуидаги тартибда тўлдирилади:

Етказиб берувчи тоифаси:

- Ишлаб чиқарувчи;
- Импорт қилувчи;
- Улгуржи савдо;
- Чакана савдо;
- Воситачи;
- Хизмат кўрсатувчи;
- Бошқалар;

Реализация мақсади:

- Ўз эҳтиёжи учун;

- Тижорат мақсадида;
  - Жисмоний шахсларга иштироқчилар таркибидан чиқиш, устав фондидағи ҳиссасини камайтириш ёхуд иштироқчининг улушкини қайтариб сотиб олиш ҳисобига товарлар (хизматлар) бериш;
  - Жисмоний шахсларга (дивидендларни товар кўринишида олишда);
  - Товарларни (хизматларни) текинга бериш (бунда товарларнинг (хизматларнинг) таннархи ёки уларни сотиб олиш баҳоси кўрсатилади);
  - Юридик шахс тугатилганда ҳамда эмитент томонидан акциядордан ушбу эмитент чиқарган акциялар қайтариб сотиб олинганда акциядорга товарлар (хизматлар)ни бериш;
  - Товарларни ёки бошқа мол-мулкни қайта ишлаб бериш учун бериш;
  - Товарларни (хизматларни) олиш хуқуқини тақдим этувчи ваучерларни реализация қилиш ёки бепул бериш;
  - Асосий воситалар ва бошқа мол-мулкларни реализация қилиш;
  - Корхона мол-мулкини мажмуя сифатида реализация қилиш.
- 1-устунда – товарлар (хизматлар) номи;
- 2-устунда – рақамли маркировка мавжудлиги;
- 3-устунда – товарларнинг (хизматларнинг) Ягона электрон миллий каталоги бўйича идентификация коди;
- 4-устунда – товарлар (хизматлар) штрих коди;
- 5-устунда – товар (хизмат) ўлчов бирликлари. Кўрсаткич мавжуд бўлмаганда устун тўлдирилмайди;
- 6-устунда – ўлчов бирлигидан келиб чиқиб реализация қилинган товарлар миқдори (кўрсатилган хизматлар ҳажми). Кўрсаткич мавжуд бўлмаганда устун тўлдирилмайди;
- 7-устунда – КҚСни ҳисобга олмаган ҳолда товар (хизмат) ўлчов бирлигига тўғри келадиган нарх (тариф);
- 8-устунда – реализация қилинган товарлар, кўрсатилган хизматлар жами сонининг (ҳажмининг) аксиз солиғини қўшган ҳолдаги (КҚСсиз) қиймати;
- 9-устунда – КҚС ставкаси;
- 10-устунда – товарларни (хизматларни) сотиб оловчига тақдим этиладиган КҚС суммаси.
- КҚС тўловчилари ҳисобланмаган ёки реализация қилиш бўйича айланмаси КҚСдан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилувчилар томонидан 9-устунда “Кўшилган қиймат солигисиз” ёки “КҚСсиз” ёзуви қайд этилади;
- 11-устунда – реализация қилинган товарларнинг (хизматларнинг) КҚСни қўшган ҳолдаги жами қиймати.
- Якунловчи сатрда – товарлар реализация қилинганда ҳисобварак-фактурада маркировкалаш кодлари биректирилиши шарт.

Аксиз солиғи түловчилари ҳисобварап-фактурада аксиз солиғи ставкаси ва аксиз солиғи суммасини кўрсатишлари шарт.

Товарлар (хизматлар) бюджет ташкилотларига етказиб берилганда ҳисобварап-фактурада биржа савдосининг лот рақами кўрсатилиши шарт.

Электрон ҳисобварап-фактуралар тўғри шаклланиши мақсадида сонларни яхлитлаш бутун сондан кейин 10 тагача сон чегарасида амалга оширилиши керак”;

б) қуидаги мазмундаги 59<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“59<sup>1</sup>. Солиқ солиш обьекти сифатида қуидаги ҳаражат ва бошка даромадларга бир томонлама электрон ҳисобварап-фактура расмийлаштирилади:

акциз тўланадиган товарларни қайтариш шарти билан қайта ишлаш учун топшириш, шунингдек қайтариш шарти билан берилган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш маҳсули бўлган, шунингдек акциз тўланадиган шундай хом ашё ва материалларнинг маҳсули бўлган, акциз тўланадиган товарларни қайтариш шарти билан берилган хом ашё ва материалларнинг мулкдорига ишлаб чиқарувчи томонидан топшириш;

акциз тўланадиган товарлардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

акциз товарларни реализация қилиш нархи ва таннархи ўртасидаги ижобий фарқ;

Ўзбекистон Республикаси худудида ишлаб чиқарилган ва (ёки) Ўзбекистон Республикасининг божхона худудига импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарларнинг бузилиши, йўқотилиши, яроқсизлиги, камомад, йўқотиш ёки шикастланиш (синиш, бўлиниш) аниқланиши;

узоқ муддатли шартномалар бўйича даромадлар;

РЕПО операциялари бўйича даромадлар;

қимматли қофозлар ва (ёки) муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича олинган даромадлар;

асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинган даромадлар;

текинга олинган мол-мулк (олинган хизматлар);

инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захираларнинг ва бошқа мол-мулкнинг қиймати тарзидаги даромадлар;

қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;

талаб қилиш ҳукуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромадлар;

илгари чегириб ташланган ҳаражатлар ёки заарларнинг ўрнини қоплаш тарзидаги даромадлар;

шартнома мажбуриятларини бузганлик учун тўланиши лозим бўлган жарималар, пенялар ва бошқа санкциялар, шунингдек заарларнинг (зиённинг) ўрнини қоплаш суммалари;

валюта ҳисобвараплари бўйича ижобий курс фарқининг салбий курс фарқидан ошиши;

акциядор (мулқдор, иштирокчи, муассис) юридик шахс фойдасига ўз улушининг (улуши бир қисмининг) қийматини олишдан воз кечиш натижасида устав фонди (устав капитали) камайиши муносабати билан олган даромадлар ёки юридик шахснинг устав фонди шакллантирилганда (кўпайтирилган ёки камайтирилганда);

Солиқ кодексининг VII бўлимида белгиланган ҳолларда ва тартибда назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойда тарзидаги даромади;

дивиденdlар тарзида олинган даромадлар;  
фоизлар тарзида олинган даромадлар”.

**11.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 ноябрдаги 705-сон қарори 1-иловаси билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси тўғрисидаги низомнинг 15-банди ўн бешинчи хатбохисидаги “бошқа мажбурий тўловларни” сўzlари “йигимларни” сўзи билан алмаштирилсин.

**12.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 ноябрдаги 753-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низомда:

- а) 9-банд тўққизинчи хатбохисидаги “бошқа мажбурий тўловларнинг” сўzlари “йигимларнинг” сўзи билан алмаштирилсин;
- б) 10-банд “з” кичик банди биринчи хатбохисидаги “бошқа мажбурий тўловларнинг” сўzlари “йигимларнинг” сўзи билан алмаштирилсин.

**13.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ислом тараққиёт банки иштирокидаги М39 “Тошкент – Термиз” автомобиль йўлиниң 1395 - 1400 км ва 1410 - 1426 км (21 км) қисмларини реконструкция қилиш лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 31 декабрдаги 827-сон қарори иловасида:

- а) 1.2-банди “Кўрсаткичлар номи” устуnidаги “Ягона солиқ тўлови (ЯСТ)” сўzlари “Айланмадан олинадиган солиқ (АОС)” сўzlари билан алмаштирилсин;
- б) изоҳ қисми учинчи хатбохисидаги “ягона солиқ тўлови” сўzlари “айланмадан олинадиган солиқ” сўzlари билан алмаштирилсин.

**14.** Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Солиқ текширувларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда:

- а) 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16. Холислар камида икки нафар киши микдорида жалб этилади.

Ишнинг натижасидан манфаатдор бўлмаган ҳар қандай вояга етган жисмоний шахслар холислар сифатида жалб этилиши мумкин.

Солиқ органлари мансабдор шахсларининг холислар сифатида иштирок этишига йўл кўйилмайди.

Холислар ўз иштирокида амалга оширилган ҳаракатлар факти, мазмуни ва натижаларини баённомада тасдиқлаши шарт. Улар амалга оширилган ҳаракатлар юзасидан баённомага киритилиши лозим бўлган фикр-мулоҳазалар билдиришга ҳақли. Зарур бўлган тақдирда, холислар кўрсатилган ҳолатлар юзасидан сўроқ қилиниши мумкин”;

б) 66-банднинг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мазкур тадбирлар видеотасвирга олиш қурилмаларидан фойдаланиш воситасида амалга оширилади, бундай имконият мавжуд бўлмаганда эса – холислар иштирокида амалга оширилади”;

в) 110-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“110. Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш ҳужжатлари ва буюмларни олиб қўйиш амалга оширилаётган шахслар иштирокида видеотасвирга олиш қурилмаларидан фойдаланиш воситасида амалга оширилади, бундай имконият мавжуд бўлмаганда эса – холислар иштирокида амалга оширилади. Зарур бўлган ҳолларда олиб қўйишни амалга оширишда иштирок этиш учун мутахассис таклиф этилади”;

г) 172-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“172. Ҳужжатлар, буюмлар ва электрон ахборотни сақловчи жисмларни олиб қўйиш ҳужжатлари ва электрон ахборотни сақловчи жисмлари олиб қўйилаётган шахслар иштирокида видеотасвирга олиш қурилмаларидан фойдаланиш воситасида амалга оширилади, бундай имконият мавжуд бўлмаганда эса – холислар иштирокида амалга оширилади. Барча олиб қўйиладиган ҳужжатлар, буюмлар ва электрон ахборотни сақловчи жисмлар холисларга ҳамда олиб қўйишда иштирок этувчи бошқа шахсларга кўрсатилади ва зарур бўлган тақдирда олиб қўйилган жойда ўралади”.

**15.** Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталогини жорий этиш, тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузилган шартномаларни электрон рўйхатдан ўтказиш ва товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномаларни электрон расмийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 апрелдаги 249-сон қарорининг 4-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“2023 йил 1 январдан маҳсулотларни сертификатлаш жараёнида маҳсулотлар (товар ва хизматларнинг) идентификация кодини (МХИК) мажбурий акс эттириш тартиби жорий этилсин”.

**16.** Вазирлар Маҳкамасининг “Солик тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 22 сентябрдаги 595-сон қарори 3-бандининг “б” кичик банди биринчи хатбошисидаги “2022 йил 1 январдан” сўзлари “2023 йил 1 марта” сўзлари билан алмаштирилсин.

**17.** Вазирлар Маҳкамасининг “Савдо ва хизмат кўрсатиши соҳасида жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 12 майдаги 255-сон қарорининг 3-иловасида:

а) 10-бандининг иккинчи хатбошисидаги “саккизинчи” сўзи “ёттинчи” сўзи билан алмаштирилсин.

**Изоҳ.** *Мазкур илованинг 3 ва 10-бандрари ушибу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “22” августдаги 471-сон қарорига  
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб  
эътироф этилаётган айrim қарорлари  
РЎЙХАТИ**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 1999 йил 19 мартдаги 125-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 3-сон, 14-модда).

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро ва Фарғона шаҳарларида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг солиқ коллежларини ташкил этиш тўғрисида” 2000 йил 4 майдаги 178-сон қарори.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг истеъмол товарлари олиб келиш ва сотиш масалалари бўйича айrim қарорларига ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва уларнинг айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2003 йил 16 октябрдаги 446-сон қарорига 1-илованинг 5-банди.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг “Молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига қурилган фойдаланишга топширилаётган объектларнинг муҳандислик тармоқлари ва иншоотларини хизмат кўрсатувчи ташкилотлар балансига бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2004 йил 26 октябрдаги 502-сон қарорининг 2-банди.

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2006 йил 22 майдаги 92-сон қарорига илованинг 4-банди.

**6.** Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чақана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 1999 йил 19 мартдаги 125-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида” 2011 йил 27 апрелдаги 119-сон қарори.

**7.** Вазирлар Маҳкамасининг “Микро фирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” 2015 йил 13 февралдаги 26-сон қарори.

**8.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2018 йил 20 октябрдаги 840-сон қарорига илованинг 3-банди.

**9.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2019 йил 8 мартдаги 201-сон қарорига илованинг 2-банди.

**10.** Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 18 мартағи 230-сон қарорининг 3-банди.

**11.** Вазирлар Маҳкамасининг “Осиё тараққиёт банки иштирокида “Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 11 сентябрдаги 761-сон қарорининг 9-банди.

**12.** Вазирлар Маҳкамасининг ““ЛУКОЙЛ Ўзбекистон Оперейтинг Компани” МЧЖ иштирокида мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 3 октябрдаги 839-сон қарорининг 11-банди.

**13.** Вазирлар Маҳкамасининг “Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарорига 5-илованинг 2-банди.

**14.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 18 ва 140-бандлари.

